Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2020 йил 17 январдаги
2025-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 1-ярим йиллигига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ

№	Тадбирлар	Масъуллар	Ижро муддати
I. Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш (масъул Мурожаатлар билан ишлаш бўлими)			
1.	2019 йил 22 декабр ва 2020 йил 5 январь куни бўлган сайловлар жараёнида юзага келган қонунчиликдаги бўшлиқлар, халқаро ва хорижий кузатувчиларнинг тавсияларини умумлаштириш, унинг натижалари бўйича сайлов қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.	М.Истамов Ф.Насриддинов	апрель
2.	Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир Марказий сайлов комиссиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	М.Истамов Ф.Насриддинов	июнь
II. Ҳудудий сайлов комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш (масъул: Ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими)			
3.	Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияси аъзолари тўғрисида электрон маълумотларини (сифат таркиби, фото суратлари, Ф.И.Ш.) СЖБАТ дастурига киритиш.	Б.Юнусов Х.Абдурахманов А.Мансуров	февраль-май
4.	Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари тўғрисида электрон маълумотларини (сифат таркиби, фото суръатлари, Ф.И.Ш.) СЖБАТ дастурига киритиш ҳамда йилнинг ҳар чорагида янгилаб бориш.	Б.Юнусов Х.Абдурахманов А.Мансуров	ҳар чорак якунида

III. Сайлов комиссиялари билим ва малакасини ошириш (масъул: Ўқув маркази)			
5.	Сайлов қонунчилигини ўқитиш бўйича сертификат берилган республика ва ҳудудий тренерларнинг маълумотлар базасини шакллантириш.	Х.Маматов Ш.Файзиев	февраль
6.	Марказий сайлов комиссиясининг кутубхонасини хатловдан ўтказиш, кутубхона фондини янгилаш бўйича таклифлар киритиш ва сайловчиларнинг электрон кутубхонасини яратиш.	Х.Маматов А.Қодиров	май
IV. Марказий сайлов комиссиясининг ахборот маконида иштирокини кенгайтириш (масъул: Матбуот хизмати)			
7.	2019 йил 22 декабрдаги парламент сайловлари тўғрисида халқаро кузатувчиларнинг фикрини умумлаштириш ва уларни “Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар” номли тўпламида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиш.	С.Курбанкулов Б.Исмоилов Д.Назиров	февраль
8.	“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ахборотномаси” – “Вестник Центральной избирательной комиссии Республики Узбекистан” журналининг навбатдаги сонини чоп этиш.	С.Курбанкулов Қ.Очилов	ҳар чоракда
V. Халқаро алоқалар фаолиятига оид масалалар (масъул: Халқаро алоқалар бўлими)			
9.	БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликдаги “2020-2021 йилларда Ўзбекистонда сайлов жараёнларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини имзолаш ва амалга ошириш.	Г.Рахимова Б.Исмоилов	февраль
10.	“Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги ва сайловларни ўтказиш тажрибасини янада такомиллаштириш” мавзусидаги халқаро Форумни ташкиллаштириш.	Г.Рахимова Б.Исмоилов	апрель
VI. Марказий сайлов комиссиясининг молиявий ва моддий-техник таъминотини яхшилаш (масъул: Моддий-техника таъминоти бўлими ва Бухгалтерия)			
11.	Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йилга мўлжалланган харажатлар сметасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш.	М.Истамов А.Ибодуллаев Ш.Умаров	январь-февраль
12.	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатларни хатловдан ўтказиш.	А.Ибодуллаев Ш.Умаров Ж.Фахрутдинов	январь-февраль

VII. Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш (масъул: АКТ билан ишлаш бўлими)			
13.	АКТ вазирлиги билан биргаликда Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида амалдаги депутатларнинг маълумотларини киритиш, жамлаш ва сақлаш ҳамда уларнинг сифат таркиби ва бошқа маълумотларни акс эттирувчи модуль ишлаб чиқиш.	Х.Маматов А.Мансуров	июнь
14.	Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимида вилоят ва туман сайлов комиссияларининг аъзолари ҳақидаги маълумотномаларни киритиш, жамлаш ва сақлаш ҳамда уларнинг сифат таркиби ва бошқа маълумотларни назарда тутувчи модуль ишлаб чиқиш.	Х.Маматов, А.Мансуров	июнь
VIII. Ижро ва архив иши (масъул: Канцелярия)			
15.	2019 йил 22 декабр ва 2020 йил 5 январь куни бўлган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни тизимлаштириш ва архивлаш.	Х.Абдурахманов И.Хаджиев	февраль

**** Изоҳ.*** *Иш режага 2019 йил 22 декабрда бўлган сайловларга оид ва сайловдан кейинги тадбирлар киритилмаган.*